



POLAND



POLAND

ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР СИЗДИРИЛИШИ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ

Қурбонов Дониёр Давлат ўғли

Ш.Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети
юридик факультети ўқитувчиси <https://doi.org/10.5281/zenodo.22675626>

Аннотация

Мазкур мақолада шахсга доир маълумотларнинг қонунга хилоф равишда ошкор этилиши ёки учинчи шахсларга сиздирилиши натижасида жисмоний шахсларга етказилган мулкӣй ва маънавий зарарни фуқаролик-ҳуқуқӣй тартибда қоплаш масалалари тадқиқ этилган. Шахсга доир маълумотларнинг ҳуқуқӣй табиати, маълумотлар операторининг жавобгарлиги, зарарни аниқлаш ва исботлаш муаммолари, маънавий зарарни баҳолаш мезонлари таҳлил қилинган. Тадқиқот натижасида шахсга доир маълумотлар сиздирилиши ҳолатларида фуқаролик-ҳуқуқӣй ҳимоянинг самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: шахсга доир маълумотлар, маълумотлар оператори, маълумотлар сиздирилиши, фуқаролик-ҳуқуқӣй жавобгарлик, мулкӣй зарар, маънавий зарар, компенсация, электрон далиллар, шахсий номулкӣй ҳуқуқлар.

Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологияларининг мисли кўрилмаган суръатларда ривожланиши натижасида шахсларга доир маълумотларни электрон шаклда йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Инсон ҳаётининг деярли барча соҳалари рақамли муҳит билан чамбарчас боғланиб бораётган бир шароитда шахсга доир маълумотлар нафақат иқтисодӣй ва ижтимоӣй муносабатларнинг муҳим ресурсига, балки шахснинг дахлсизлиги, хусусӣй ҳаёти ва ҳуқуқларини таъминлашнинг ўта нозик объектига ҳам айланмоқда.

Бироқ маълумотларнинг рақамлашуви қанчалик кенгайган бўлса, уларнинг ноқонунӣй қўлга киритилиши, ошкор этилиши ёки тарқатилиши билан боғлиқ хавфлар ҳам шунчалик ортиб бормоқда. Зеро, шахсга доир маълумотларнинг хавфсизлигини ҳар қандай шароитда ва мутлақ даражада таъминлаш объектив жиҳатдан имконсиз, назаримизда. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ҳатто энг замонавий технологиялар асосида қурилган, кўп босқичли ҳимоя механизмларига эга бўлган ахборот тизимлари ҳам киберҳужумлардан тўлиқ дахлсиз эмас: маълумотлар



POLAND



POLAND

базаларига ноқонуний кириш, шахсга доир маълумотларни қўлга киритиш ва уларнинг тарқалиши билан боғлиқ ҳолатлар энг юқори даражада ҳимояланган тизимларда ҳам содир бўлмоқда.

Бу ҳолат эса масаланинг моҳиятини фақат ахборот хавфсизлигини кучайтириш билан чеклаб бўлмаслигини кўрсатади. Чунки ҳимоя воситалари қанчалик такомиллашмасин, рақамли муҳитда хавфни бутунлай истисно этишнинг имкони йўқ экан, шахсга доир маълумотларнинг ошкор этилиши натижасида шахсга етказилиши мумкин бўлган зарар учун самарали ҳуқуқий кафолатлар ҳам мавжуд бўлиши лозим. Бошқача айтганда, масала фақат «маълумотларни қандай қилиб мутлақ ҳимоя қилиш мумкин?» деган саволдан иборат эмас, балки «уларни мутлақ ҳимоя қилиш имкони мавжуд бўлмаган шароитда етказилган зарар учун ким ва қандай тартибда жавоб бериши керак?» деган янада муҳим ҳуқуқий масалани ҳам кун тартибига қўяди.

Шу маънода, шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилишнинг техник ва ташкилий чоралари билан бир қаторда, уларнинг сиздирилиши ёки қонунга хилоф равишда ошкор этилиши ёхуд рухсатсиз тарқатилиши натижасида етказилган зарарни қоплашнинг аниқ, самарали ва адолатли фуқаровий-ҳуқуқий механизмларини шакллантириш замонавий ҳуқуқ тизимининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунига кўра, шахсга доир маълумотлар муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган, электрон, қоғоз ёки бошқа моддий шаклда қайд этилган ахборот ҳисобланади [1]. Мазкур қонун шахсга доир маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Муаммонинг долзарблиги шундаки, маълумотларнинг сиздирилиши ҳар доим ҳам анъанавий тарздаги мулкӣ зарар билан чекланмайди. Паспорт ёки ID карта маълумотлари, телефон рақами, манзил, банк картасига оид маълумотлар, фото ва бошқа маълумотларнинг тарқалиши шахснинг хавфсизлиги, шахсий ҳаёти дахлсизлиги, шаъни ва қадр-қимматига ҳам таъсир қилиши мумкин.[2]

Шу нуқтаи назардан шахсга доир маълумотларнинг сиздирилиши фактининг ўзи фуқаролик-ҳуқуқий зарарни қоплаш учун етарлими ёки жабрланувчи алоҳида равишда реал зарар ёки маънавий зарар мавжудлигини исботлаши шартми деган саволлар баҳсли бўлиб қолмоқда.



POLAND



POLAND

Мазкур саволга жавоб беришда миллий қонунчилик билан бир қаторда хорижий ҳуқуқий тизимлар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик ҳуқуқида шахсга доир маълумотлар ўз мазмунига кўра шахс билан узвий боғлиқ бўлган номоддий неъматлардан бири сифатида намоён бўлади. Бунда маълумотнинг ўзи муайян иқтисодий қийматга эга бўлиши мумкин, бироқ унинг асосий ҳуқуқий аҳамияти маълумот субъектининг шахсий ҳаёти, шахсий дахлсизлиги ва индивидуаллигини таъминлаш билан боғлиқдир. Ўзбекистон қонунчилигида шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи шахсий номулкий ҳуқуқлар тизими билан ҳам боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2025 йил 24 ноябрда қабул қилинган “Судлар томонидан шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилиқни қўллаш амалиёти ҳақида”ги 21-сонли қарорида шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи шахсий номулкий ҳуқуқ ва бошқа номоддий неъматлар қаторида алоҳида қайд этилган [3]. Пленум қарорида шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиш, сақлаш, бериш, тарқатиш ёки узатишга йўл қўйилмаслиги таъкидланган.

Бу ёндашув муҳим назарий аҳамиятга эга. Чунки шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилишни фақат ахборот хавфсизлиги масаласи сифатида кўриш етарли эмас. У, аввало, шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг бир қисми ҳисобланади.

Илмий адабиётларда шахсга доир маълумотларнинг ҳуқуқий табиати бўйича шартли равишда икки ёндашувни ажратиш мумкин. Биринчи ёндашувга кўра, шахсга доир маълумотлар асосан ахборот-ҳуқуқий муносабатлар объекти бўлиб, уларни ҳимоя қилишнинг асосий воситалари маъмурий ва ташкилий чоралардан иборат [4]. Иккинчи ёндашув тарафдорлари эса шахсга доир маълумотларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлар билан бевосита боғлиқлигини, маълумотларнинг тарқатилиши шахсий ҳаёт дахлсизлигига аралашув бўлган тақдирда, фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя чоралари мустақил аҳамият касб этишини асослайдилар [4]. Дарҳақиқат бу масалада иккинчи ёндашув мақбулроқ. Чунки шахсга доир маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши нафақат маълумотлар хавфсизлиги режимини бузади, балки муайян шахснинг шахсий ҳуқуқларига бевосита дахл қилади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий вазифаси зарар кўрган шахснинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва унга етказилган зарарни



POLAND



POLAND

қоплашдан иборат. Шахсга доир маълумотлар сиздирилиши билан боғлиқ низоларда қуйидаги ҳолатлар муҳим аҳамият касб этади:

шахсга доир маълумотларнинг мавжудлиги; ушбу маълумотларга ишлов бериш ёки уларни тарқатишда ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги; жабрланувчига мулкӣ ёки маънавий зарар етказилганлиги; ҳуқуқбузарлик билан зарар ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги; жавобгарликка тортилаётган субъектнинг ҳуқуқӣ мақоми.

Бу ерда энг мураккаб масала — зарарнинг мавжудлигини аниқлашдир. Чунки, маълумотлар сиздирилган, аммо жабрланувчи ҳеч қандай моддий зарар кўрмаган бўлиши мумкин. Масалан, шахснинг телефон рақами ва электрон почта манзили тарқалган, аммо ундан пул маблағлари ечилмаган. Шундай ҳолатда “зарар мавжуд эмас” деган хулосага келиш мумкинми? Фикримизча, бундай ёндашув жуда тор бўлади. Чунки зарар фақат бевосита пул ёки моддий йўқотишлар билан билан чекланмайди. Шахснинг доимий хавотирда бўлиши, шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларнинг номаълум шахслар қўлига тушиши, фирибгарлик ёки шахсни идентификация қилишдан хавфсираши каби ҳолатлар ҳам муайян шароитларда маънавий зарар сифатида баҳоланиши мумкин.

Шахсга доир маълумотларнинг сиздирилиши натижасида мулкӣ зарар бир неча шаклда намоён бўлиши мумкин. Масалан: банк ҳисобварағидан маблағларнинг ғайриқонуний ечилиши; кредит ёки микрозаймнинг шахс номидан расмийлаштирилиши; шахснинг электрон ҳисобларига кириш натижасида мулкӣ йўқотиш; маълумотлардан фойдаланиш натижасида тадбиркорлик фаолиятига зарар етказилиши; ҳуқуқни тиклаш учун адвокатлик, экспертиза ва бошқа харажатларнинг келиб чиқиши. Бундай ҳолларда зарарни ҳисоблаш нисбатан осонроқ. Аммо асосий муаммо сабабий боғланишни исботлашда юзага келади. Масалан, банк картаси маълумотлари сиздирилганидан кейин пул ечилган бўлса, жабрланувчи айнан маълумотлар сиздирилиши ва пул маблағларининг йўқотилиши ўртасидаги сабабий боғланишни исботлаши лозим. Бунинг учун электрон далиллар, тизим журналлари, IP-манзиллар, транзакциялар тарихи, хабарлар, электрон почта маълумотлари ва бошқа техник маълумотлар муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли маълумотлар сиздирилишига оид фуқаролик низоларида электрон далилларни йиғиш ва сақлаш механизмини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.



Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1021-моддасига кўра, маънавий зарарни қоплаш айрим ҳолларда зарар етказувчининг айбидан қатъи назар ҳам амалга оширилиши мумкин. ФКнинг 1022-моддасида эса маънавий зарар пул шаклида қопланиши ва унинг миқдори суд томонидан жисмоний ҳамда маънавий азобларнинг хусусияти, зарар етказувчининг айби даражаси, оқилоналик ва адолатлилик талабларидан келиб чиқиб белгиланиши назарда тутилган [6].

Бироқ шахсга доир маълумотлар сиздирилиши ҳолатларида маънавий зарарни аниқлаш анча мураккаб. Масалан, шахснинг паспорт маълумотлари тарқатилган. У бундан хавотирланган, бироқ унинг номидан кредит олинмаган. Бу ҳолатда зарар миқдорини қандай белгилаш керак?

Биринчи позицияга кўра, маълумотларнинг сиздирилиши фактининг ўзи автоматик равишда маънавий зарар мавжудлигини англатмаслиги керак. Жабрланувчи ўзининг руҳий азоблари ёки бошқа номулкий оқибатларнинг ҳақиқий мавжудлигини исботлаши лозим. Иккинчи позицияга кўра, шахсий маълумотларнинг айниқса паспорт, ID карта, тиббий ва молиявий маълумотларнинг тарқалиши шахснинг хавфсизлик ҳамда шахсий ҳаёт соҳасига жиддий дахл қилгани учун шахсга маънавий зарар етказилганини тахмин қилиш ва унинг мавжудлигини алоҳида исботлашни кўрсатиш мумкин.

Хорижий ҳуқуқ амалиёти бу масалада қизиқарли ёндашувни кўрсатади. Жумладан, Европа парламенти ва кенгашининг 2016/679-сон 2016 йил 27 апрелда қабул қилган “Маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича умумий регламент (GDPR)”нинг 82-моддаси шахсга моддий ёки номоддий зарар етказилган ҳолатда компенсация талаб қилиш ҳуқуқини белгилайди [7].

Европа Иттифоқи Суди эса маълумотларни ҳимоя қилиш қоидаларининг оддий бузилиши компенсация учун ўз-ўзидан етарли эмаслигини, ҳуқуқбузарликдан ташқари ҳақиқий моддий ёки номоддий зарар ва сабабий боғланиш ҳам мавжуд бўлиши кераклигини таъкидлаган [8].

Энг мураккаб масалалардан бири — маълумотлар сиздирилганидан кейин ҳали реал зарар юзага келмаган, аммо шахс келажакда маълумотларидан ноқонуний фойдаланилишидан асосли равишда хавотирланаётган ҳолатдир. Европа Иттифоқи Суди айрим ҳолатларда шахснинг шахсий маълумотларидан келажакда нотўғри фойдаланилишидан асосли кўрқиши номоддий зарар сифатида



POLAND



POLAND

баҳоланиши мумкинлигини тан олган. Бунда суд ҳар бир ишнинг аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб, мазкур қўрқув ҳақиқий ва асосли эканини текшириши лозим [8].

Фикримизча, мазкур ёндашув Ўзбекистон ҳуқуқ тизими учун ҳам назарий аҳамиятга эга. Чунки рақамли муҳитда шахсга доир маълумотларнинг тарқалиши бир марталик ҳодиса эмас, балки узоқ муддат давомида таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, интернетга тушган паспорт маълумотлари бир марта ўчирилган тақдирда ҳам бошқа шахслар томонидан нусхаланган ёки бошқа платформаларга тарқатилган бўлиши мумкин. Шу сабабли маълумотлар сиздирилишидан келиб чиқадиган зарарни баҳолашда зарарнинг узоқ муддатли ва эҳтимолий оқибатлари ҳам инобатга олиниши мақсадга мувофиқ.

Шахсга доир маълумотлар сиздирилган ҳолларда асосий саволлардан бири — ким жавобгар бўлиши кераклиги. Бундай ҳолатда: маълумотлар базасининг мулкдори; оператор; маълумотларга ишлов берувчи шахс; аутсорсинг компанияси; ахборот тизими оператори; айрим ҳолларда маълумотларни қонунга хилоф равишда олган ёки тарқатган учинчи шахс жавобгарлик субъектига айланиши мумкин.

GDPRнинг 82-моддасида контролер (миллий қонунчилигимизда маълумотлар базасининг мулкдори) ва процессорлар (миллий қонунчилигимизда оператор ёки учинчи шахс)нинг жавобгарлиги алоҳида тартибга солинган. Агар бир нечта субъект маълумотларга ишлов беришда иштирок этган бўлса, маълум шартлар асосида уларнинг биргаликдаги жавобгарлиги ҳам назарда тутилган [7].

Ўзбекистон қонунчилигига кўра ҳам маълумотларнинг хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлаш мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масаласи юзага келиши мумкин. Бунда аниқса “маълумотлар сиздирилиши учун ким айбдор?” деган саволдан ташқари “маълумотларни ҳимоя қилиш мажбурияти кимнинг зиммасига юклатилган эди?” деган савол ҳам қўйилиши керак.

GDPR модели шахсга доир маълумотлар сиздирилиши натижасида зарарни қоплаш масаласини нисбатан тизимли тартибга солгани билан аҳамиятли. Унинг 82-моддасига кўра, моддий ва номоддий зарар учун компенсация талаб қилиш ҳуқуқи мавжуд. Бир вақтнинг ўзида контролер ёки процессор жавобгарликдан озод бўлиш учун зарар келтирган ҳодиса учун ўзларининг айбсиз эканликларини исботлаши керак [7].



Европа Иттифоқи Суди компенсация институтининг асосий вазифаси жазолаш эмас, балки етказилган ҳақиқий зарарни тўлиқ қоплаш эканини ҳам таъкидлаган [8]. Мана шундай ҳолат Ўзбекистон қонунчилиги учун ҳам муҳим. Чунки зарарни қоплаш институтини маъмурий жарима ёки жазо чораси билан аралаштирмаслик лозим. Маъмурий жавобгарлик — давлатнинг ҳуқуқбузарга нисбатан жазоловчи муносабати бўлса, фуқаролик-ҳуқуқий компенсация — жабрланувчининг бузилган ҳуқуқини тиклашга қаратилган воситадир.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

биринчидан, шахсга доир маълумотларнинг сиздирилиши натижасида етказилган мулкӣ ва маънавий зарарни қоплашга бағишланган махсус фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни шакллантириш мақсадга мувофиқ;

иккинчидан, зарарни қоплаш учун учта асосий элемент — ҳуқуқбузарлик, зарар ва сабабий боғланиш мавжудлигига асосланган аниқ ҳуқуқий конструкцияни белгилаш зарур;

учинчидан, маънавий зарарни аниқлашда маълумотларнинг хусусияти ҳисобга олиниши керак. Масалан, тиббий, биометрик, молиявий ва идентификация маълумотларининг тарқалиши оддий контакт маълумотларининг ошкор этилишига нисбатан юқорироқ хавф туғдириши мумкин;

тўртинчидан, электрон далилларнинг мақоми ва уларни сақлаш, тақдим этиш ҳамда баҳолаш механизмларини янада такомиллаштириш лозим;

бешинчидан, маълумотлар сиздирилиши натижасида жабрланувчининг келажақдаги хавфдан асосли қўрқувини муайян ҳолатларда номоддий зарар сифатида баҳолаш имкониятини назарда тутиш мақсадга мувофиқ;

олтинчидан, бир нечта маълумотлар оператор, мулкдор ёки учинчи шахслар иштирок этган ҳолатларда уларнинг жавобгарлигини тақсимлаш масаласини аниқлаштириш зарур;

еттинчидан, судлар учун маънавий зарар миқдорини белгилашда қўлланиладиган намунавий мезонларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бунда маълумотларнинг тури, тарқалиш кўлами, тарқалиш давомийлиги, жабрланувчининг шахсий ҳолати, маълумотлардан кейинчалик фойдаланиш эҳтимоли ва келиб чиққан оқибатлар ҳисобга олиниши мумкин.



Хулоса қилиб айтганда шахсга доир маълумотларнинг сиздирилиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш масаласи замонавий рақамли жамиятда фуқаролик-ҳуқуқий Ҳимоянинг янги ва мураккаб йўналишларидан биридир. Мазкур муносабатларни фақат ахборот хавфсизлиги ёки маъмурий жавобгарлик нуқтаи назаридан баҳолаш етарли эмас. Шахсга доир маълумотларни Ҳимоя қилиш ҳуқуқи шахсий номулкий ҳуқуқларнинг таркибий элементи сифатида қаралиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.11.2025 йилдаги 21-сонли қарорида ҳам мазкур ҳуқуқ шахсий номулкий ҳуқуқлар қаторида эътироф этилган ва уни суд орқали Ҳимоя қилиш усуллари аниқлаштирилган [3].

Шу билан бирга, маълумотларнинг сиздирилиши фактининг ўзи ҳар бир ҳолатда автоматик равишда фуқаролик-ҳуқуқий компенсация ҳуқуқини вужудга келтириши масаласи эҳтиёткорлик билан ҳал қилиниши лозим. Қиёсий ҳуқуқий таҳлил, хусусан ЕвропаИттифоқи Суди амалиёти, ҳуқуқбузарликдан ташқари ҳақиқий моддий ёки номоддий зарар ва сабабий боғланишни ҳам аниқлаш зарурлигини кўрсатади. Бироқ маънавий зарарни баҳолашда ҳаддан ташқари юқори “императив чегара”ни белгилаш ҳам жабрланувчининг ҳуқуқий Ҳимоясини асоссиз равишда чеклаши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон қонунчилигида шахсга доир маълумотлар сиздирилиши натижасида етказилган зарарни қоплашнинг махсус ва аниқ механизмини шакллантириш, маънавий зарарни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, электрон далилларнинг процессуал аҳамиятини кучайтириш ҳамда маълумотлар операторларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини аниқлаштириш долзарб вазифалар ҳисобланади. Натижада шахсга доир маълумотларни Ҳимоя қилишнинг маъмурий-ҳуқуқий механизми билан бир қаторда самарали фуқаролик-ҳуқуқий компенсация механизми ҳам шаклланади. Бу эса рақамли муҳитда шахс ҳуқуқларининг реал ва самарали Ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ-547-сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/4396419>
- 2) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали. “Ўз шахсий маълумотларингизни Ҳимоя қилинг: қонуний асослар ва тавсиялар” // URL: <https://gov.uz/qr/advice/614/document/4179>



POLAND

CURRENT APPROACHES AND NEW RESEARCH IN MODERN SCIENCES

International scientific-online conference



POLAND

- 3) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни қўллаш амалиёти ҳақида”ги 2025 йил 24 ноябрдаги 21-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/7901164>.
- 4) Wang Cheng. Selection of a Model for Civil Law Protection of Personal Information. Pages 117-134 | Published online: 29 Mar 2021 // URL: <https://www.tandfonline.com/doi/citedby/10.1080/02529203.2021.1895503?scroll=top&needAccess=true>
- 5) Dosaeva A. O. About the legal nature of personal data and their place in the system of objects of legal regulation // URL: https://eurasialaw-journal.ru/en/2025g/06-205-2025g.html?utm_source=chatgpt.com
- 6) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 1021–1022-моддалар // URL: <https://lex.uz/docs/180552>
- 7) Regulation (EU) 2016/679 (General Data Protection Regulation), Article 82. <https://www.legislation.gov.uk/eur/2016/679/article/82>
- 8) Court of Justice of the European Union. Österreichische Post, C-300/21. Court of Justice of the European Union. MediaMarktSaturn, C-687/21. Court of Justice of the European Union. Natsionalna agentsia za prihodite, C-340/21. Court of Justice of the European Union. Scalable Capital, C-182/22 and C-189/22. Court of Justice of the European Union. GDPR Article 82 compensation case-law.

